



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида истиқлолимизнинг 25 йиллик тантаналарини муносиб ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилди.



ЯНГИ ДАВЛАТ, ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАРИ

Қарорда мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, ўзлик-имизни англаш, ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриш учун беқиёс имкониятлар яратиб бергани, эришган барча ютуқларимиз бош омили мустақиллигимиз эканини кенг ёритиш бугунги долзарб вазифа сифатида оммавий ахборот воситалари зиммасига юклатилди.

Дарҳақиқат, атиги чорак аср муқаддам шўролар давлатининг чет ағрар ўлкаларидан бири саналган Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодий

жиҳатдан барқарор ривожланаётган, турли миллатга мансуб фуқаролар тинч ва осуда, ҳамжиҳатликда яшаб, бахтиёр умр кечириётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлод вояга етаётган, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси замонавий тус олиб, бепоён кенгликлари серхосил пахтазору ғаллазорларга, бог-роғларга, беҳисоб ноз-неъматлар ҳазинасига айланган ўхшаши йўқ мамлакат сифатида дунёга танилмоқда.

Халқимиз эришаётган ютуқлар хорижий давлат ва жамоат арбобларининг, олимларнинг, адиб-у санъаткорларнинг эътирофига

сазовор бўлмоқда. Ривожланаётган ва ривожланиш йўлини тутган мамлакатлардан келган сайёҳларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Бу ҳайратомуз янгиланишлар ўзидан бўлгани йўқ, қутилмаган мўъжиза ҳам юз бергани йўқ. Давлат ва жамият ҳаётидаги бу буюк ўзгаришлар озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсад атрофида жипслашган халқимизнинг матонатли меҳнати, жасорати, шижоати тўғрисида бўлди.

Тинчлик ва тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатга таянган ҳолда яшаётган, меҳнат қилаётган

халқимиз ўтган йигирма беш йил давомида тарихий юксалиш йўлини босиб ўтди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар шу қадар кенг қўламли ва кўп қирралики, уларни халқимиз, айниқса, вояга етаётган авлод яхши билиши ва тегишли ҳулосалар чиқариб олмоғи зарур.

Шунинг учун ҳам бу йилги энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг

«Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғоясидан келиб чиққан ҳолда тарихий тараққиётимизнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида газетамизда туркум мақолалар эълон қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Бугунги биринчи мақола ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида халқимизнинг йўлини ёритган, кенг имкониятлар эшигини очиб берган «Ўзбек модели» ва унинг моҳиятига бағишланади.

➤ Давоми 3-бетда.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР

Наманганда ҳарбий хизматчилар учун бунёд этилган кўп қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда «Наманган ҳақиқати» газетаси сайтида хабар берилмоқда.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Мудофаа вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

32 хонадондан иборат тўрт қаватли турар-жой биноси ҳарбий хизматчилар учун барпо этилган учинчи иморатдир. Янги уйдаги хонадонларда ҳаёт кечириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, маиший рўзгор буюмлари билан жиҳозланган. Ҳовлида қурилган болалар спорт майдончалари ёш авлоднинг соғлом камол топишига хизмат қилади.

«ҲАМШИРА — 2016»

Нукусда «Ҳамшира — 2016» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди, дея хабар бермоқда «Қорақалпоғистон тоғи» газетаси.

Яқунда Ў.Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббий маркази нейро-жарроҳлик бўлими ҳамшираси Айсара Низамова танлов ғолиби деб эътироф этилди ва унга «Матиз» автомашинасининг калити топширилди.

Кейинги ўринларни тошкентлик Гулрух Файратова ва наманганлик Муаззам Йўлдашева эгалладилар.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАР КУЛГУСИГА ТЎЛДИ

6 июндан Самарқанд вилоятидаги ёзи соғломлаштириш оромгоҳлари болаларга бағрини очди.

Бу йилги мавсумга ҳам вилоятда қизгин ҳозирлик қўрилди. 24 шаҳардан ташқари (стационар) ҳамда 52 кундузги оромгоҳларда 22 минг 700 нафар бола соғломлаштирилади, дейилади «Зарафшон» газетаси сайтида берилган ахборотда.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш изчил давом этирилиб, бундай оилаларнинг 200 нафар фарзанди, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 250 нафари, Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан 100 нафар, Орол бўйида 1020 нафар бола Самарқанддаги сўлим оромгоҳларда бепул дам олади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш

корхона ва ташкилотлар молиявий ҳолатини
янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан Фаргона вилоятида ўтказилган назорат-таҳлил тадбири якунлари муҳокама этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия, Молия вазирликлари ҳамда Давлат рақобат қўмитаси, Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари ҳамда акциядорлик жамиятлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этди.

➤ Давоми 2-бетда.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

Энг билимдон ёш сиёсатчилар аниқланди

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан жойларда «Мен Ватаним тараққиётига ҳисса қўишни хоҳлайман» шиори остида «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган.

Танловнинг Миробод туман босқичи ҳам қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотларида ғолиб бўлган 7 нафар иштирокчи баҳс юритди. Дастлабки шартта биноан иштирокчилар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда ишлаб чиқариш ёки



Савжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳаларни тақдим этишди. Савол-жавоблардан иборат бўлган иккинчи шартда ҳам иштирокчилар ўзларининг зукколиги, билимдонлигини намойиш қилди. Учинчи шартда уларнинг нотиклик маҳорати синовдан ўтказилди.

Танлов якунида Шохид Файзуллаева иккинчи Абраам Қурбонбоев учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Мусобақа ғолиби Абдулвоҳид Фазлиддинов эса танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

■ Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш

корхона ва ташкилотлар молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда юртимиздаги акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг миллий молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўтказиш тажрибаси тўлиқ ўзлаштирилди. Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Депутатлар Фаргона вилоятида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун нормалари аудиторлик ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, аввало, акциядорлик жамиятлари фаолиятида самарали қўлланилаётганини айтиб ўтишди. Бу ўз навбатида, хўжалик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини Аудитнинг халқаро стандартларига асосан аудитдан ўтказишда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

Давоми. Бошланғич 1-бета.

— Аудиторлик ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари, банклар ва кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, инвестиция ва пай фондлари, фонд ва товар биржалари, хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида фаолият олиб бормоқда, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Қахрамон Мирзаев. — 2015 йилда Фаргона вилоятидаги аудиторлик



Санжар ШОТЎЛДАНОВ олган сурат.

ташкилотлари томонидан 662 хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказилиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми 1975,3 миллион сўмни ташкил этган. Жумладан, ўтган йилда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотларда 252 (750,3 миллион сўм), хўжалик юритувчи субъектларнинг ташаббуслари асосида 237 (549,7 миллион сўм) текширувлар ўтказилган

Бугунги кунда юртимиздаги акциядорлик жамиятларининг ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг миллий молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўтказиш тажрибаси тўлиқ ўзлаштирилди.

бўлса, 173 (675,3 миллион сўм) объектларда профессионал хизматлар кўрсатилган.

Қўмита аъзолари, шунингдек, вилоятдаги аудиторлик ташкилотлари томонидан мажбурий аудиторлик тек-

шируви ўтказилиб, ижобий хулосалар берилган хўжалик юритувчи субъектларда ҳудудий солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текширишларда бюджетга қарийб 600,0 миллион сўм солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланмаганлигига эътибор қаратишди.

Вилоятдаги аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағларни ундириш юзасидан тегишли процессуал ҳаракатлар амалга оширилмаганлиги оқибатида айрим аудиторлик ташкилотларида дебитор қарздорлик сақланиб қолмоқда.

Муҳокама якунида назорат-таҳлил ишлари натижаларидан келиб чиқиб, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилиш якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

Булоқбоши туманидаги «Дўлана» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда туман партия кенгаши масъуллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари, тарғибот гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Тинчлик ва фаровонлик

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак ғазиллар руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ҳамда қалбини турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масалалари тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг кечаги кун ва бугунги тараққиёти, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилди. Дунёнинг турли минтақаларидаги нотинчликлар, унинг оқибатлари, ёшларни ёт ғоя ва иллатлар, «оммавий маданият» таъсиридан асрашнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Хотин-қизлар фаоллиги ошмоқда

Навбахор туман партия кенгаши томонидан «Кескантерак» кишлоқ фуқаролар йиғинида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, депутатлар, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аёлларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, давлат ва жамият курилишидаги иштирокини кенгайтириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилаётгани хусусида сўз юритилди.

Жорий йилда фаолият янада кенгайиб, аёллар ўртасида кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий, тиббий маданиятни юксалтириш, бандликни таъминлаш, спортни янада омаллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Ушбу жараёнда партиямиз ҳам фаол иштирок этиб, «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Қонун тарғиботи», «Тиббий маданият» ойлари каби лойиҳаларни доимий ўтказиб келмоқда.

Мавзу юзасидан қизгин савол-жавоблар бўлди ҳамда келгусидаги ишлар келишиб олинди.

Соғлом оила — соғлом жамият асоси

Поп туман партия кенгаши туман тиббиёт коллежидан «Эрта никоҳнинг олдини олиш она ва бола саломатлиги асосидир» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Партиямиз фаоллари, депутатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари мавзу юзасидан ёшлар билан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан боланинг соғлом дунёга келиши, оиланинг бахтиёр ва мустаҳкам бўлишида жисмонан, руҳан тайёр, маънавий етук ёшлар ўртасида тузилган никоҳ муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шунингдек, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Эрта никоҳ кўп ҳолларда фарзандсизлик, боланинг ой кун итмай туғилишига сабаб бўлаётгани қайд этилди. Ушбу нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи ва соғлом оила таъминларини тарғиб этишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳудудий партия кенгашлари ахборотлари асосида
Аббор ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

ТАДБИР

ЎзХДП Булунғур туман кенгаши, тармоқ касаба уюшмаси ҳамда «Баркамол авлод» болалар марказининг туман бўлими ҳамкорлигида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли ўқувчилар ўртасида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

Дунё болалар нигоҳида

— Танловни икки гуруҳда, 7 ёшдан 12 ёшгача ва 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказдик, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Бахтиёр Ражабов. — Бу каби тадбирлар ёшлар истеъдодининг шаклланишида, улар қалбида она-Ватанга муҳаббат туйғуси уйғонишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

— Ҳар бир иштирокчи 4 ижодий иши билан қатнашди, — дейди «Баркамол авлод» болалар маркази туман бўлими раҳбари Бахтиёр Ербоев. — Болалар асарларида турли миллат вакиллари фарзандларининг иноқлиги, болаликнинг бахтли онлари, давлатимиз мустақиллиги ютуқлари, дунё тинчлиги манзаралари акс этди.

Кўрик-танловда Нилуфар Келдибекова 7-12 ёшлар ўртасида, Алишер Ҳўрозов 12-14 ёшлар ўртасида биринчи ўринга, 2-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Чарос Мамажабова ва 40-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Эгамназар Мамажусупов иккинчи, 29-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси Дийрбек Ҳайитбоев ва 5-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Дадаҳон Жамолов учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, «Энг нафис ижодкор», «Энг чиройли тинчлик тасаввури», «Энг намунали тасвирий санъат», «Кўргазма дебютидаги энг яхши ижодий иш» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУЗ — ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА!

Очиққликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бормоқда



Нўзмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият курилиши, демократик янгилашлар, ислохотларнинг очиклиги, шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида илгор демократик стандартларга мос мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотларни жадаллаштиришга хизмат қилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш имконияти кенгайиши жамоатчилик назоратини кучайтишда, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, умуман, фуқароларнинг ижтимоий масъулияти орттиришда муҳим омили ҳисобланади. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги

тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада катта ҳуқуқий шароит яратди, дейиш мумкин.

Давлат идораларининг фуқаролар олдидаги ҳисобдорлиги бўйича конституциявий қоидаларнинг амалий механизмининг ўзида акс эттирган ушбу қонун фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамиятдаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш, аҳолини

Мамлакатимизда 1400 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларини ташкил этади. Интернет тармоғида оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган веб-сайтлар сўнгги беш йилда 2 баробар ошиб, ўтган йил якунида 324 тага етди.

ишончли ва тезкор ахборотлар билан таъминлашнинг янги имкониятларини очиб берди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда 1400 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларини ташкил этади. Интернет тармоғида оммавий

ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган веб-сайтлар сўнгги беш йилда 2 баробар ошиб, ўтган йил якунида 324 тага етди. Шунингдек, айни пайтда юртимизда фаолият кўрсатаётган 8100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланиш, уни аҳолига етказиш билан фаол шуғулланмоқда.

Яратилган ҳуқуқий майдон демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи, оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашиб бораётганини кўрсатмоқда.

Масалан, фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат Жамоатчилик кенгаши томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги мо-

жироти шундаки, «очиклик индекси» бўйича рейтинг белгилашда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик самарасига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, бу ишончли маълумотларни тарқатиш, аҳолига янада қулайлик яратиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, мурожаатларини қўриб қиқилиш жадаллаштиришга хизмат қилади.

Яна бир муҳим томони, очикликни баҳолаш натижасида давлат идоралари аҳоли талабига мос бўлган муҳим йўналишларни танлаб олиш, жамоатчилик олдида давлат органининг имижини шакллантириш мумкин. Шунингдек, бу давлат идоралари раҳбарларига нисбатан фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг ишонч даражасини аниқлаш, фуқароларнинг ўз қараш ва хоҳишларини билдиришга ва давлат идораларига стратегик режаларини белгиллаб олишга ёрдам беради.

Ушбу мезон келгусида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат идоралари билан фуқаролар учун хизмат кўрсатишда ўзаро ахборот алмашинуви бўйича шериклик тамойили асосидаги фаолиятини оширишга, бу йўлда икки томонлама манфаатга хизмат қиладиган лойиҳалар учун муҳим асос бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан аҳолини таништириб боришда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан фойдаланиш, улар билан ўзаро ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш давлат идораларининг аҳоли ўртасидаги ижтимоий нуфузи ошишига ва пировард натижада фаолиятининг очик ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборли

нотингнинг олиб бориш ва уни баҳолаш Методикаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Эндиликда ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиклик бўйича мавжуд қонун ва қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи «очиклик индекси» йиғма кўрсаткичи эълон қилиб борилади.

нотингнинг олиб бориш ва уни баҳолаш Методикаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Эндиликда ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиклик бўйича мавжуд қонун ва қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи «очиклик индекси» йиғма кўрсаткичи эълон қилиб борилади.

нотингнинг олиб бориш ва уни баҳолаш Методикаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Эндиликда ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиклик бўйича мавжуд қонун ва қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи «очиклик индекси» йиғма кўрсаткичи эълон қилиб борилади.

нотингнинг олиб бориш ва уни баҳолаш Методикаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Эндиликда ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиклик бўйича мавжуд қонун ва қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи «очиклик индекси» йиғма кўрсаткичи эълон қилиб борилади.

Халқ депутатлари Хатирчи туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи терминал тармоғи ва онлайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш орқали аҳолининг нақд пулсиз тўлов воситаларига ишончини ошириш ишларининг аҳволини атрофлича ўрганиб, тегишли қарор қабул қилди.



Албатта, ислохотлар жараёни осонлик билан кечгани йўқ. Давлат ҳокимияти ҳар бир соҳада ўтказилаётган ислохотларнинг қонуний ва ҳуқуқий асосларини яратиб борди. Чунки, мулкчиликнинг турли шакллари-ни ҳаётга татбиқ этишни ўзбошимчалик.

ЎТГАН ЙИЛИ 7 МИЛЛИОН 500 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ҒАЛЛА, 3 МИЛЛИОН 350 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ХИРМОНИ БУНЁД ЭТИЛДИ.

СПОРТ

РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

Инха
университетига
TOEFL iBT тестларини
ўтказишга рухсат
берилди

2016 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳридаги Инха университети (IUT) TOEFL iBT®нинг интернет талқинини ишлаб чиққан ETS ташкилотидан тест ўтказишга рухсат олди, деб хабар беради университет матбуот хизмати.

TOEFL® (Test of English as a Foreign Language) — бу инглиз тили бўйича халқаро имтиҳон. TOEFL®нинг асосий мақсади — инглиз тили она тили бўлмаган давлатлар фуқароларининг тайёргарлик даражасини баҳолашдир. Ҳозирги пайтда TOEFL дунёнинг 130 мамлакатидан 9 мингдан ортиқ олий ўқув юртиларида тан олинди.

TOEFL ёки IELTS сертификатини зарур баллар билан тақдим этилиши (факультетларга караб), Тошкент шаҳридаги Инха университети, шунингдек, юртимиздаги бошқа хорижий олий ўқув юртиларининг филиалларига ўқишга кириш учун асосий талаблардан бири ҳисобланади.

IUTдаги TOEFL iBT бўйича дастлабки имтиҳонлар 18 ва 25 июнь кунлари ўтказилади.

«Халқаро тезкор почта»

ўз сайтини ишга туширди

«Ўзбекистон почтаси» АЖ филиали — «Халқаро тезкор почта» (EMS Uzbekistan) ўзининг сайтини ишга туширди. Бу ҳақда Infocom.uz хабар бермоқда.

Янги сайтда фойдаланувчилар хизматлар ва тарифлар, божхонадаги расмийлаштиришлар тартиби, жўнатмаларни қабул қилиш қоидалари етказиб бериш мuddатлари, ҳақида маълумот олиши мумкин. Шунингдек, сайт орқали талабнома бериб, курьерни чақириб, халқаро жўнатмалар ҳаракатини кузатиш, EMS фалиятига баҳо бериш мумкин.

Маълумот учун, мамлакатда мижозлар EMS хизматларидан фойдаланишини «Ўзбекистон почтаси»нинг 27 объекти таъминлайди. «Халқаро тезкор почта» филиали тизимидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Нукус, Фарғона, Андижон ва Намангандаги бўлимлар ишлаб турибди.

Қашқадарёда

«Йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этувчи автокарвон ташкил этилди

Ушбу автокарвон асосий кўчалар орқали ҳаракатланади ва аҳоли гавжум жойларда, хусусан, бозорлар, истироҳат боғлари олдида тўхтаб, ИПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигига доир тушунтириш ишлари олиб борилади.

Ушбу тарғибот воситаси содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, «Йўл ҳаракати қоидаларини» фуқаролар, айниқса, болалар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоят ички ишлар, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Камолот» ЕИХ, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашлари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди, дея хабар беради «Қашқадарё» газетаси.

Кўҳна қитъада футбол байрами

Эртага Франциянинг Сен-Дени шаҳрида футбол бўйича XV Европа чемпионати финал босқичи мусобақалари бошланади



Мамлакатнинг Сен-Дени, Марсель, Лион, Париж, Лилль, Ланс, Бордо, Сент-Этьен, Тулуза ва Ницца шаҳарларида бир ой давомида шиддатли ўйинлар давом этади.

Европа чемпионатлари тарихига назар ташласак, Франция бундай нуфузли мусобақага учинчи бор мезбонлик қилаётган ягона мамлакат саналади. Бунгача Францияда 1960 ва 1984 йилларда ҳам Европа чемпионати ҳал қилувчи ўйинлари ўтказилган эди.

1960 йилда ўтган дастлабки китъа чемпионати ҳал қилувчи ўйинларида атиги тўрт мамлакат терма жамоаси иштирок этган. Орадан йигирма йил ўтиб, бу мусобақа катнашчилари сони саккизга етди. 1996 йилги Европа чемпионати финал босқичидан бошлаб, Кўҳна қитъанинг ўн олти терма жамоаси медаллар учун курашга киришган.

Францияда бошланаётган XV Европа чемпионати финал босқичида эса илк мартаба энг кўп — йигирма тўрт мамлакат вакиллари майдонга тушади. Бу терма жамоаларнинг йигирма учтаси номи 2014 йил 7 сентябрдан то 2015 йил 17 ноябргача давом этган саралаш учрашувлари орқали аниқланди. Бахсларда Кўҳна қитъанинг эллик тўрт давлат вакиллари катнашди.

Саралаш босқичида жами 268 ўйин ўтказилиб, дарвозалар 700 марта ишғол этилди. Унда Польша терма жамоаси ҳужумчиси Роберт Левандовский рақиб дарвозаларини энг кўп — 13 марта ишғол этди ва тўпурарлик қобилиятини намойиш қилди.

2010 йил 28 май куни Женевада «ЕВРО — 2016» мезбонлиги аниқлаш учун ўтказилган сўровда Франция ғолиб чиққан. Ушанда французлардан ташқари, мусобақа мезбонлиги учун Италия ва Туркия мамлакатлари вакиллари ҳам ўз номзодини илгари сурганди.

Ўтган йилнинг 12 декабрида Парижда Европа чемпионати финал босқичига кўрға ташланди. Унда йигирма тўртта терма жамоа тўрттадан олти гуруҳга бўлинди. Мусобақа низомига кўра, ўз гуруҳларида дастлабки икки ўринни эгаллаган ва энг яхши кўрсаткичга эга бўлган тўртта учинчи ўрин соҳиби «плей-офф» йўлланмасини кўлга киритади.

Мазкур нуфузли мусобақа орқали УЕФА 1,95 миллиард евро миқдорда маблағ ишлаб олишни мўлжаллаган. Бу ташкилот биргина телетрансляцияларни сотишнинг ўзидан бир миллиард евро фойда кўради. Шунингдек, чипталар савдосидан 480 миллион евро даромад қилади.



Кўпчилики эса чемпионат катнашчиларини олдинда қандай мукофотлар кутаётганлиги қизиқтириши табиий, албатта. Парижда ўтказилган УЕФА ижроия кўмитаси йиғилишида бунга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, Европа чемпионати финал босқичи умумий соврин жамғармаси — 301 миллион евроини ташкил этади. Бунгача мазкур мукофот миқдори — «ЕВРО — 2008»да 184 миллион, «ЕВРО — 2012» бахсларида 196 миллион евродан иборат бўлган эди.

Хўш, бу галги мукофот қандай тақсимланади? Дастлаб ҳар бир терма жамоага финал босқичи йўлланмасини кўлга киритгани учун 8 миллион евродан мукофот берилади. Кейинги бонуслар миқдори эса уларнинг бахсларда эришган муваффақиятига қараб ўсиб бораверади. Жумладан, гуруҳдаги ҳар бир ғалабага 1 миллион, дуранга 500 минг евродан мукофот берилса, 1/8 финал йўлланмаси

учун 1,5 миллион, 1/4 финал йўлланмаси баҳоси 2,5 миллион евро қилиб белгиланган. Ярим финалчилар 4 миллион, финалчилар эса 5 миллион евродан олишади. Европа чемпионати олтин медаллар билан биргаликда 8 миллион евро мукофот берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, навбатдаги Европа чемпиони 2017 йили Россияда бўладиган Конфедерациялар кубоги баҳсига йўлланмани кўлга киритади.

XV Европа чемпионати финал босқичида жами 51 учрашув ўтказилади. Ташкилотчилар томонидан мазкур ўйинларни стадионда кузатадиган томошабинлар учун 2,5 миллион донча чипта сотувга чиқарилган. Бу



чипталарнинг 800 минг донаси мусобақада катнашаётган терма жамоалар мухлислари учун ажратилган бўлса, бир миллионга чипта 2015 йилнинг 10 июнидан то бугунгача УЕФАнинг интернетдаги сайти орқали ўз эгаларини топди.

Чемпионат учрашувлари чиптаси тўрт тоифага бўлинган. Уларнинг энг арзон баҳоси — 25 евро бўлса, энг қиммати — 895 евроини ташкил этади.

Демак, олдинда барчамизни миллионлаб мухлислар қалбини бир ой давомида ҳаяжону қувончга чулғовчи дамлар кутмоқда. Европа чемпионати финал босқичи 10 июнь оқшомида Сен-Дени шаҳрида «Стад де Франс» стадионида Франция — Руминия терма жамоалари учрашуви билан бошланади. Ўйин Тошкент вақти билан соат 23:55 да старт олади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГУРУҲЛАР

«А» гуруҳи: Франция, Руминия, Албания, Швейцария
«В» гуруҳи: Англия, Россия, Уэльс, Словакия
«С» гуруҳи: Германия, Украина, Польша, Шимолий Ирландия
«Д» гуруҳи: Испания, Чехия, Туркия, Хорватия
«Е» гуруҳи: Бельгия, Италия, Ирландия, Швеция
«F» гуруҳи: Португалия, Исландия, Австрия, Венгрия

XV ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ ТАКВИМИ

10 июнь. 23:55. Сен-Дени. Франция — Руминия
11 июнь. 18:00. Ланс. Албания — Швейцария
11 июнь. 21:00. Бордо. Уэльс — Словакия
11 июнь. 23:55. Марсель. Англия — Россия
12 июнь. 18:00. Париж. Туркия — Хорватия
12 июнь. 21:00. Ницца. Польша — Ш. Ирландия
12 июнь. 23:55. Лилль. Германия — Украина
13 июнь. 18:00. Тулуза. Испания — Чехия
13 июнь. 21:00. Сен-Дени. Ирландия — Швеция
13 июнь. 23:55. Лион. Бельгия — Италия
14 июнь. 21:00. Бордо. Австрия — Венгрия
14 июнь. 23:55. Сент-Этьен. Португалия — Исландия
15 июнь. 18:00. Лилль. Россия — Словакия
15 июнь. 21:00. Париж. Руминия — Швейцария
15 июнь. 23:55. Марсель. Франция — Албания
16 июнь. 18:00. Ланс. Англия — Уэльс
16 июнь. 21:00. Лион. Украина — Ш. Ирландия
16 июнь. 23:55. Сен-Дени. Германия — Польша
17 июнь. 18:00. Тулуза. Италия — Швеция
17 июнь. 21:00. Сент-Этьен. Чехия — Хорватия
17 июнь. 23:55. Ницца. Испания — Туркия
18 июнь. 18:00. Бордо. Бельгия — Ирландия
18 июнь. 21:00. Марсель. Исландия — Венгрия
18 июнь. 23:55. Париж. Португалия — Австрия
19 июнь. 23:55. Лилль. Швейцария — Франция
19 июнь. 23:55. Лион. Руминия — Албания
20 июнь. 23:55. Сент-Этьен. Словакия — Англия
20 июнь. 23:55. Тулуза. Россия — Уэльс
21 июнь. 21:00. Париж. Ш. Ирландия — Германия
21 июнь. 21:00. Марсель. Украина — Польша
21 июнь. 23:55. Бордо. Хорватия — Испания
21 июнь. 23:55. Ланс. Чехия — Туркия
22 июнь. 21:00. Лион. Венгрия — Португалия
22 июнь. 21:00. Сен-Дени. Исландия — Австрия
22 июнь. 23:55. Лилль. Италия — Ирландия
22 июнь. 23:55. Ницца. Швеция — Бельгия

1/8 ФИНАЛ

№37. 25 июнь. 18:00. Сент-Этьен. А 2-ўрин — С 2-ўрин.
№38. 25 июнь. 21:00. Париж. В 1-ўрин — А, С, Д 3-ўрин
№39. 25 июнь. 23:55. Ланс. Д 1-ўрин — В, Е, F 3-ўрин
№40. 26 июнь. 18:00. Лион. А 1-ўрин — С, Д, Е 3-ўрин
№41. 26 июнь. 21:00. Лилль. С 1-ўрин — А, В, F 3-ўрин
№42. 26 июнь. 23:55. Тулуза. А 1-ўрин — Е 2-ўрин
№43. 27 июнь. 21:00. Е 1-ўрин — Д 2-ўрин
№44. 27 июнь. 23:55. В 2-ўрин — F 2-ўрин

1/4 ФИНАЛ

№45. 30 июнь. 23:55. Марсель. №37 ғолиби — №39 ғолиби
№46. 1 июль. 23:55. Лилль. №38 ғолиби — №42 ғолиби
№47. 2 июль. 23:55. Бордо. №41 ғолиби — №43 ғолиби
№48. 3 июль. 23:55. Сен-Дени. №40 ғолиби — №44 ғолиби

1/2 ФИНАЛ

№49. 6 июль. 23:55. Лион. №45 ғолиби — №46 ғолиби
№50. 7 июль. 23:55. Марсель. №47 ғолиби — №48 ғолиби

ФИНАЛ

№51. 10 июль. 23:55. №49 ғолиби — №50 ғолиби.

Эслатма: Учрашувларнинг бошланиши Тошкент вақти билан кўрсатилган.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.



ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган ёшлар фестивали пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилмоқда.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз»

Ёшлар ижод саройида ташкил этилган матбуот анжуманида шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Хусан Эрматов оммавий ахборот воситалари вакилларига берган ахборотида 2011 йилдан бўён пойтахт туманларида ўтказилиб келинаётган мазкур фестивал нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани, дастлабки йилларда бу тадбирга 250 минг нафардан кўпроқ ёшлар катнашган бўлса, бу йилга келиб, улар сони икки баравардан ошганлигини таъкидлади.

Алоҳида дастур асосида ташкил этилган «Бу менинг ватаним», «Одам савдоси — давр муаммоси», «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин», «Нуронийлар эъзозимизда» сингари 18 лойиҳа фестивалнинг асосий мазмунини ўзида акс эттирган. Фестиваль доирасидаги тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маданият ва санъат арбоблари, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, ёш олимлар, давлат стипендиантлари, спорт юлдузлари, шоир ва ёзувчилар иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда ёшлар учун барча имкониятлар эшиклари очиб қўйилган, — дейди **Мирзо Улугбек туман Маънавият тарғибот бўлими раҳбари Мамадали Эронов**. — Пойтахтимизнинг ҳар бир туманида ўтказилаётган тадбирлар ўзига хослиги ва азалий қадриятларимизни акс эттираётгани билан кишини қувонтиради. Айниқса, туманимизда истиқомат қилаётган ёши улуг отахону онахонлардан тортиб жажжи ўғил-қизларимизга фестивал тадбирларида фаол иштирок этиб, ўз иқтидор ва санъатларини намойиш этаётгани уларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидан далолат беради.

Албатта, бундай тадбирлар ҳали давом этади, биз ҳозир туманимиздан етишиб чиққан фан олимпиадалари ғолиблари, халқаро кўрикларда совринли ўринларни олган санъат гўнаҳарлари, ёш чемпионлар иштирокида «Она Ватан, сенга ташаккур!» деб номланган ёш юлдузлар анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз.

Бугун яқунладан лойиҳа доирасида «Туркистон» саройида истеъдодли ижрочилар, таниқли санъаткорлар ва бадий жамоалар иштирокида гала концерт ташкил этилади, тадбирда фаол катнашганлар турли номинациялар бўйича ташкилотчи ва ҳомийлар таъсис этган совринлар билан тақдирланади.

Охунбек ХУШВАҚТОВ,
журналист.

БУГУН	Об-ҳаво	Маълумоти
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+38/+24	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+43/+27	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+43/+26	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+43/+27	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+41/+25	
Тошкент шаҳри	+41/+25	

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Mushihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:00
Topshirilgan vaqti — 01:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturichilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

9 772010 763008

1 2 3 4 6